# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

1994 йил 26 ноябрь • шанба

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

• № 89 (10.666). Сотувда эркин нархда.


*УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер майдонларидан олинадиган даромад ўсишидан аҳолининг манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

1. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимликларига фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хужаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини кимошди савдоси асосида сотишга рухсат берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида халқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари, шунингдек зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари, тажриба тариқасида, фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун кимошди савдоси ва танлов асосида сотилсин. Бунда ажратиладиган ер майдонлари суғориладиган ерларда 5 гектардан ва суғорилмайдиган ерларда 15 гектардан ошмаслиги зарур.

3. Назоратни амалга ошириш ва юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни туман ҳокимликларининг куриб чиқишига киритиш учун мазкур ҳокимликлар ҳузурида давлат мулки қўмитаси, ер тузиш, сув хўжалиги, молия ва солиқ органлари вакилларидан, шунингдек жамоатчилик вакилларидан иборат махсус комиссиялар тузилсин.

4. Банкларга республика фуқароларининг кимошди савдоси асосида ер майдонлари сотиб олишлари учун уларга беш йилда қайтариш шарти билан зарур кредит бериш тавсия қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган ордер олингандан кейин бир йил давомида фойдаланилмаган ер майдонидан уч баравар миқдорда ер солиғи ундирилади: мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган ордер олингандан кейин икки йил давомида фойдаланилмаган ер майдонлари илгариги эгалари тўлаган қиймат қайтариб берилган ҳолда улардан олиб қўйилади.

6. Узбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси: бир ҳафта муддатда мазкур фармонни бажаришни таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин;

Бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 ноябрь.



## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

### ВИЛОЯТ ТУМАНЛАРИДА пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1994 йил 25 ноябргача булган МАЪЛУМОТ

*(режага нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Туманлар | бир кунда | мавсум бошидан буён |
|---|---|---|
| *Ўртачирчиқ* | *0,04* | *105,44* |
| *Қуйичирчиқ* | *0,06* | *101,72* |
| *Юқоричирчиқ* | *--* | *100,45* |
| *Бука* | *0,02* | *100,40* |
| *Чиноз* | *0,01* | *100,15* |
| Оққўрғон | 0,31 | 99,90 |
| Пискент | 0,20 | 90,74 |
| Янгийўл | 0,10 | 89,34 |
| Бекобод | 0,10 | 82,15 |
| Вилоят бўйича | 0,10 | 96,30 |

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган таълим вазири Ҳусайн Комил Баҳоуддинни қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг, айниқса, маънавий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Президентимиз жумладан, Тошкентда иш бошлаган «Миср фан ва таълим маркази» ҳақида тўхталиб, у мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий-маърифий, балки бошқа соҳалардаги алоқаларнинг ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади, деди.

Ҳусайн Комил Баҳоуддин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистонга ташрифи ниҳоятда самарали бўлганини айтди. У икки дўст халқнинг илму маърифат борасидаги алоқалари узоқ тарихга эгалиги ҳақида гапирар экан, келгусида бу муносабатларнинг янада ривож топишига умид билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Абдулғани Муҳаммад Абдулғани ҳозир бўлди.

**(УзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИГА

Сизларни ва республикамизнинг барча ҳуқуқшуносларини Адлия вазирлиги ва унинг таркибий тузилмалари ташкил этилганлигининг 70 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман.

Мамлакатимизда амалдаги суд ҳокимиятининг барпо этилиши адлия тизими ходимлари зиммасига янада муҳим ва ғоят масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳозирдаёқ ўз самарасини бераётганлиги эътиборга сазовордир.

Сизларни байрамингиз билан самимий табриклар эканман, ҳуқуқий демократик давлатимиз биносини бунёд этиш, ҳар томонлама мукаммал қонунларни яратиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тафаккур ва маданиятни, адолатли суд тизимини барқарор қилиш борасида куч-ғайратларингизни аямайсизлар, деган умиддаман.

Сизларга ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида, халқимизнинг тинч-осойишта, фаровон ҳаёти, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши соҳасида амалга ошираётган муҳим ишларингизда ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт-саодат тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,
Узбекистон Республикаси
Президенти.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## АДЛИЯ ВА СУД ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Адлия ва суд органларидаги кўп йиллик самарали ишлари, қонунчиликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқни тарғиб қилишга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

ВАСИЕВ Илҳомжон -- Фарғона шаҳар судининг раиси

ДОРОШЕНКО Наталья Ивановна -- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқармаси бошлигининг ўринбосари

КАПУСТЯНСКАЯ Нинель Соломоновна -- Тошкент шаҳар 1-давлат нотариал идораси нотариуси

МАДАМИНОВА Сабоатхон -- Наманган вилояти, Ҳаққулобод шаҳар ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудираси

МАРДИЕВ Алишер Мардиевич -- Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

МАҲАМАТДИНОВА Турдигуль -- Нукус шаҳар 1-давлат нотариал идораси катта нотариуси

МУРОДОВА Дилбар Тўхтамишевна -- Қашқадарё вилояти Китоб тумани судининг раиси

ОЛИМЖОНОВ Баҳодир Ғуломович -- Адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институтининг директори

ОТАХЎЖАЕВ Фозил Мақсудович -- Тошкент давлат юридик институти «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг доценти

РИХСИЕВ Толиб -- Тошкент вилояти судининг судьяси

ШАРАПОВ Акром -- Бухоро вилояти судининг судьяси

ШОАЗИЗОВ Шоасқар -- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлимининг бошлиғи

ЭРГАШЕВ Вели Ҳамидович -- Самарқанд вилояти Тойлоқ туман давлат нотариал идораси нотариуси

ЯКУБОВА Гулчеҳра -- Хоразм вилояти Янгиариқ туман судининг раиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПЎБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

ПИРМУҲАМЕДОВ Ҳакимжон Эгамбердиевич -- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги «Адолат» нашриётининг директори

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ

АБДУСАЛОМОВ Мирзаулуғбек Элчиевич -- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари

АЛЛАМБЕРГЕНОВА Шиннигуль Ембергеновна -- Қорақалпоғистон республикаси Шуманай тумани судининг девонхона мудираси

БРЕДНЕВА Любовь Сергеевна -- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқ хўжалигида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармасининг бош маслаҳатчиси

ДАВРОНОВ Зариф Сарабекович -- Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар судининг раиси

ЗУФАРОВ Ҳикмат -- Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани судининг консультанти

ИКРОМОВА Мағфрат Ғаниевна -- Тошкент давлат юридик институти «Жиноят ҳуқуқи» кафедрасининг доценти

ИЛИЕВ Алтай Муҳамеджанович -- Самарқанд вилоят судининг судьяси

НАМ Вера Моисеевна -- Тошкент суд экспертиза илмий тадқиқот институтининг етакчи илмий мутахассиси

САИДОВА Муборакхон Обидхоновна -- Андижон вилояти, Асака шаҳар ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудираси

САФАРОВА Гулнора Холовна -- Қарши шаҳар 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

САФАРОВ Қамбарали -- Наманган вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича раис ўринбосари

СИНЯГИНА Галина Васильевна -- Тошкент шаҳар, Чилонзор туман судининг раиси

СУЛТАНОВ Сайдилла Абдуллаевич -- Тошкент шаҳар, Бектемир туман судининг катта суд ижрочиси

ТУРСУНОВ Савронбек Акромович -- Жиззах вилоят судининг раиси

ТЎРАЕВ Давлат -- Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар судининг раиси

ХАЛИҚОВА Рита Маджидовна -- Андижон вилоят судининг котибаси

ХОЛМАТОВ Оринжон -- Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъмурий-ҳуқуқий масалалари бўйича етакчи консультанти

ШЕРАЛИЕВА Брҳаббат Номановна -- Сирдарё вилояти, Сайхунобод туман ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

ШОКИРОВА Турсуной Маҳмудовна -- Бухоро вилояти, тукимачилик тумани ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

ЮСУПОВ Тўлқин Муқадарович -- Тошкент вилояти, Тошкент тумани судининг раиси

ҚУРБОНОВ Маҳмуджон -- Навоий вилоят судининг раиси

**Узбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 ноябрь.

«Ҳосил — 94» **ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР БЕРАДИ** «Ҳосил — 94»

*Тел: 33-40-48, 33-70-10*

# ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР ЗАФАРИ

ҲАМИША, ҳар қандай шароитда ҳам ишнинг кўзини билиб фидойилик билан меҳнат қилган туман пахтакорлари кутган қувончли кун келди. Давлат қабул пунктларига 39 минг 400 тоннадан ортиқ хом ашё топшириб, йиллик режани зиёдаси билан адо этган оққўрғонликларнинг бугун юзи ёруғ.

Йил бўйи аниқ режа асосида олиб борилган иш ўз самарасини берди. Туман ҳокимлиги қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш тўғрисидаги фармонлар ва ҳукумат қарорлари асосида изчил фаолият юргизиб иш унумини ва мўл ҳосил яратиш омилини таъминлайдиган янгича услубларни амалиётга жорий этди. Жамоа хўжаликлари –– «халқ корпорациялари», «ширкатлар уюшмаси» каби янгича шаклларни танлабгина қолмай, мазмунан ҳам ўзгардилар.

Одамларда ерга чинакам меҳр ортди. Деҳқон ана шу она заминнинг эгаси бўлиб қолди, унга қалб қўрини бағишлади. Изланиш натижалари тезда кузга кўринди. Далаларда баракали хосил тўпланди. Уни йиғиб олишга бутун туман аҳли билан бирга ёрдамга келган Тошкент, Бўстонлиқ туманлари, Тошкент шаҳри ҳашарчилари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Иш жараёнидаги уюшқоқлик, меҳнаткашларни моддий, маънавий рағбатлантиришнинг йўлга қўйилиши хўжаликларда сурьатни кучайтириб борди.

Жамоа хўжаликлари биринкетин маррани қўлга кирита бошладилар. Яратилган катта хирмонга «Озод», А. Навоий номли, «Оққўрғон» жамоа хўжаликлари, Сегизбоев номли халқ корпорацияси, «Мадания́т», «Ўзбекистон», «Султонобод», Акмал Икромов номли, «Хонқа» жамоа хўжаликлари катта ҳисса қўшдилар. Етиштирилган ҳосилнинг салмоқли қисми машиналарда териб олинди. Мавсум давомида гектаридан 30–35 центнердан ҳосил олган Ғ. Хусанов, Й. Талапов, У. Фармонов бошлиқ бригадалар, шунингдек ҳар бири 150–180 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлган Ш. Омонов, Н. Исоқов, Н. Тожибоев, Ж. Бобоев сингари механизаторлар, 7–8 тоннадан пахта терган Олтиной Бобоева, Лора Казачаевадек кўпминг килограммчилар алоҳида ҳурмат-эътибор топдилар.

Оққўрғонликлар ҳосилнинг бир мисқолигача бўлса ҳам териб, қабул пунктларига топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

**(Оққўрғонликларнинг меҳнат зафарига бағишланган материални газетанинг 4-саҳифасида ўқийсиз.)**



*Зангиота туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодий марказида бир қатор тўгараклар ишлаб турипти. Ганч ўймакорлик тўгарагига Зуҳриддин Садриддинов бошчилик қилмоқда. Унинг йигирмадан ортиқ шогирди ўймакорлик сирларини эгалламоқда. Суратда: З. Садриддинов шогирди Бахтиёр Ғуломовга маслаҳатлар бермоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# Савобли иш тугал бўлсин

Бу йил баҳор серёгин келиб, Тошкент вилоятининг тоғолди ҳудудларида кўчки, сув тошқини хавфи пайдо бўлди. Жигаристондаги фожеа такрорланмаслиги учун тезда шошилинч чоралар кўрилди. Хусусан, Оҳангарон туманининг Гўшсой ҳавзасидаги хавфли ҳисобланган аҳоли пунктлари. шунингдек, Четсув, Оқтош, Саридала, Машинатуп, Кўксарой қишлоқларидан 309 хонадон зудлик билан оромгоҳларга, мактаб ва меҳмонхоналарга кўчирилди. Бу ишларда махсус ҳукумат комиссияси бош-қош бўлди. Кўчирилганларга моддий ёрдам кўрсатилди. Муҳими, фожиаларнинг олди олинди.

Табиатнинг ўз қонунлари бор. У билан ҳисоблашмаган киши вақти келиб панд еб қолиши мумкин. Оҳангаронда айнан шундай бўлди. Доимий, бошпанасидан ажраган хонадонларга тумандаги «Ангрен», «Қурама», С. Раҳимов номидаги жамоа хўжаликлари ҳудудидан 73 гектарга яқин ер ажратилиб, жами 489 оилага 8–12 сотиҳдан томорқа берилди. Уларга Оҳангарон, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларидан келтирилган юз минг дона пишиқ ғишт, 55 минг дона қирқилган оқ тош, 67 тонна цемент, 6500 дона шифер, 624 метр қувур ва бошқа қурилиш ашёлари ёрдам тариқасида бепул тақсимланди. Туманда уюштирилган махсус шанбаликдан тушган маблағ ҳам анча мадад бўлди. Аста-секин янги уйлар қад кўтара бошлади. Бироқ, ҳозирги кунга келиб табиий офатдан зарар кўрганларнинг аксарият қурилишлари тўхтаб қолди. Увак, Гулбоқ, Алишер қишлоқлари ҳамда «Ангрен» жамоа хўжалиги марказий қўрғонидаги 277 томорқанинг 134 тасида уй-жой қурилди, холос. Улар ҳам тўла битмаган. Шу боис, атиги 73 оила янги бошпанага кўчиб ўтди.

Ҳозир якка тартибда уй-жой қуриш осон эмас. Бошпанасидан ажраганлар эса товон пулларини шу кунгача тўлиқ олгани йўқ. Шуни ҳам айтиш кераккки, бу борада айрим муаммолар юзага чиқиб қолган эди. Туман ҳокими У. Иброҳимовнинг айтишича, бу муаммолар ҳозир ҳал этилди ва вилоят ҳокимлиги томонидан товон пулининг қолган 2700 минг сўми ҳам ажратилди. Айни кунларда бу маблағни ўз эгаларига етказиш чоралари кўриляпти.

Туманда табиий офатдан зарар кўрганларга имкони борича зарур ёрдам кўрсатилаётгани диққатга сазовордир. Аммо, халқимизда савоб иш бутун бўлгани яхши, деган гап бор. Ачинарлиси шундаки, янги бошпана тиклаётган аҳолига деворбоп қурилиш материалларини 30 фоиз арзон нархда сотиш кўнгилдагидек ташкил этилмаётир. Ваҳоланки, бу ҳақда республика Президентининг 1992 йил апрель ойида чиқарган махсус фармони бор. Янги турар-жой мавзеларида муҳандислик-коммуникация ишларининг бугунги аҳволи ҳам талабга жавоб бермайди. Хусусан, «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигидаги Янгигўшсой мавзесида лойиҳа бўйича электр тармоқлари тортиш, водопровод қувурлари ётқизиш ишлари ниҳоясига етказилмаган. Хўжалик маъмурияти кунда иккита махсус автомашина ажратиб, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаб турибди. Бу ерда анчадан буён иш олиб бораётган республика «Оби ҳаёт» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти эса суст.

Туман ҳокимлигида ҳар шанба куни ишларнинг аҳволи муҳокама қилиниб, аҳолини тезроқ ичимлик суви, электр қуввати билан таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти. Улар ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз. Бу борада эса республика ташкилотларининг ёрдами жуда зарур. Шунингдек, янги бунёд этилаётган мавзеларда маданий-маиший бинолар, дўконлар, соғлиқни сақлаш ва болалар муассасалари қурилишини ҳам ҳозирдан режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*• ОБУНА — 95 • ОБУНА — 95 • ОБУНА — 95*


## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

*Барча алоқа бўлимларида «Тошкент ҳақиқати» газетасига чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда.*

*Обуна баҳоси:*

БИР ЙИЛГА –– 264 СЎМ
ЯРИМ ЙИЛГА –– 132 СЎМ
УЧ ОЙГА –– 66 СЎМ

*КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:*

Энг арзон идоравий нашр –– «Тошкент ҳақиқати»дир. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун ҳам обуна баҳоси юқоридаги нархдадир.

Обуна мавсумида фаоллик кўрсатаётган ташкилотчилар, алоқа бўлимлари, обуна қилиш пунктлари ходимлари ҳамда алоҳида фуқаролар эсдалик совғалари билан мукофотланадилар. Совғалар обуна мавсуми ниҳоясига етгач, голибларга топширилади.

*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» нашр кўрсаткичи –– 64672.*
*ҚАДРДОН ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!*


## ЯНА ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Маълум сабабларга кўра тўхтаб қолган «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журнали яна чиқабошлайди.

Журнал келгуси йилдан ўз фаолиятини тубдан ўзгартиради. Ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ўзига хос, илмий кузатишлар баёнидангина эмас, уларнинг чуқур таҳлили асосига қурилган мақолалар билан бойийди. Фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида назариётчи ҳамда амалиётчиларнинг чиқишлари уюштирилади, улар тўғрисида ҳикоя қилинади, ирригация-мелиорация масалалари ёритилади.

Шунингдек, журналда деҳқончилик –– саноат мажмуига оид энг янги техника ва технологиялар, маромига етган илмий тадқиқотлар, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, чигал муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатдан асосланган ечимлари ҳақида ахборотлар, фан-техника янгиликлари, эълонлар, маслаҳатлар, республикамиз ва хориждаги илғор тажрибалар, пешқадам фермер ва ижарачилар, машҳур кишилар ҳақида очерк ва лавҳалар бериб борилади, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг фаолияти ҳам диққат марказимизда туради, шеърий ва насрий асарлар чоп этилади. Деҳқончилик саноат мажмуида ишлаб бадиий ижод билан шуғулланаётган қаламкашлар таҳририятнинг доимий эътиборида бўлади.

Булардан мунтазам воқиф бўлиб борай десангиз журналга 1995 йил учун обуна бўлишни унутманг. Бу икки томон учун ҳам фойдали: обуначилар журналнинг дастини узун қилади, журнал эса ўз мақолалари орқали уларнинг ишига ривож беради.

Журналнинг нашр кўрсаткичини эслатиб ўтамиз:

ўзбекчасиники –– 75398;
русчасиники –– 75379.
Обуна баҳоси:
1 йилга –– 39 сўм;
6 ойга –– 19 сўм 50 тийин;
4 ойга –– 13 сўм;
2 ойга –– 6 сўм 50 тийин.
Обуна бўлишга шошилинг!

## ИСТИҚЛОЛ МЕВАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН Истиқлоли, аввало, миллий қадриятларимизни қайтариб беряпти. Биз кечаги ўтмишимизни қанчалик чуқур ўргансак, бугунги ва эртанги кунимизни шунчалик қадрлаймиз, уз-узимизни шунчалик тезроқ англаб етамиз. Узбекистон Мустақиллиги бу борада бераетган мевалар оз эмас. Ақалли битта масала -- ҳайкаллар масаласини олиб кўрайлик.**

*Ўткир Ҳошимов*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# ҲАЙКАЛЛАР НИМАНИ СЎЗЛАЙДИ?



Тошкентнинг қоқ марказида, сулим хиёбонида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали қад кутарди. Инсоф билан айтганда, бундан нари-бериси билан беш-олти йил бурун ҳам Темурга ҳайкал урнатиш уёқда турсин, номини тилга олиш ҳам анчайин осон гап эмас эди. Бугун эса улуғ бобомиз ҳайкали «Куч -- адолатдадир-» деб авлодларга угит бериб турибди. Гўзал ва муъжаз ушбу хиёбон ҳам соҳибқирон номи билан аталадиган булди.

Бу хиёбоннинг галати тарихи бор. Ҳозирги авлод уни яхши билмаслиги мумкин. Худди шу майдонда, айни шу хиёбонда бир эмас, бир неча марта ҳайкаллар урнатилган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, чор Россияси Туркистонни босиб олгач, бу ерда биринчи ҳайкал қад кўтарган. Бу оқпошшонинг шогирди, «ярим пошшо» -- Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ҳайкали эди.

Савол туғилади. Ярим немис Кауфман Туркистонга, жумладан, узбек халқига нима каромат курсатганки, «муборак» номини абадийлаштириш шунчалик зарур бўлиб қолди?

1865 йилда Россиянинг босқинчи армияси Тошкентни қамал қилади. Қамал апрель ойидан июнь ойигача давом этади. Черняев шаҳарнинг сув йўлларини тўсиб қуяди. Чанқоқ ва очлик азобидан силласи қуриган шаҳар аҳли ҳамма азоб-уқубатларга чидайди. Айни саратонда шаҳарга бостириб кирган, замбарақлар ва замонавий милтиқлар билан қуролланган душманга қарши халқ ойболта, қилич ва ҳатто, паншаха билан жанг қилади. Черняев зобитларидан бирининг эътироф этишича, оддий ойболта кутарган ҳар битта «сарт» милтиқ билан қуролланган бутун бир ротага қарши дадил ташланади. Қизиғи шундаки, Тошкентни шаҳарнинг эркакларигина эмас, аёллари ҳам қўлга қурол олиб ҳимоя қиладилар. Тадбирли лашкарбоши Алимқул жангда мардона ҳалок бўлади.

Тошкентнинг энг мўътабар инсонларидан бири, улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида исми зикр этилган Мулла Солиҳбек Охунд додхоҳ ушбу курашнинг маънавий раҳнамоси бўлган, Бу муборак зот босқинчилар дастидан фарёд солиб, дунёнинг талай мамлакатларига ҳимоя сўраб хат ёзади. Босқинчилар шаҳарни эгаллаб бўлгач, Охунд додхоҳ бошчилигидаги улуғ зотлар амалда шаҳар мустақиллигини сақлаб қолишга оид шартнома билан Черняевга мурожаат қиладилар. Генерал, аввалига, бу шартларга кўнгандек бўлади. Аммо кўп утмай бутунлай бошқа ҳужум тайёрлаб, шаҳарнинг йирик арбоблари қатори Солиҳбек додхоҳни ҳам уша қоғозга қўл қуйишга таклиф этади. Фирибгарликни қарангки, мазкур «ҳужжат»да ёзилишича, гўё Тошкент азбаройи Бухоро зулмидан қутулиш учун атрофдаги қозоқ, қирғиз ва бошқалардан ҳимоя истаб «шонли» Россия давлатига «ўз ихтиёри билан» қўшилишни хохлаб қолган эмиш. Солиҳбек додхоҳ бундай сафсатага бўйсунмайди, майда ва қалбаки ҳужжатга имзо чекмайди. Шу ондаёқ додхоҳни ва унинг тарафдори бўлган яна беш кишини Сибирга сургун қиладилар. Кўп ўтмай Солиҳбек додхоҳни заҳарлаб ўлдирадилар. Бошқа сафдошларини ҳам турфа усуллар билан маҳв этадилар. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг нияти ҳам айнан шу эди. Буни қарангки, мана шундай «жасоратлари» эвазига Тошкентнинг қоқ марказида Кауфман ҳайкали қад кўтаради.

Октябрь инқилобидан кейин унинг ҳайкали қўпориб ташланади. Орадан анча йиллар ўтиб бир қотилнинг ўрнига иккинчи қотил -- Сталиннинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилади. Сталин шахсига сиғиниш қоралангач, унинг ўрнига Карл Маркс ҳайкали қуйилади.

Яратганга шукроналар бўлсинки, Ўзбекистон Истиқлоли шарофати билан бу ҳиёбонга энг буюк аждодимиз Амир Темур ҳайкали ўрнатилди.

Умуман Октябрь ўзгаришидан кейин юртимизни ҳайкал босиб кетган эди. Ленин, Сталин, Калинин, Свердлов, Будённий, Каганович, Ворошилов, Фрунзе, Дзержинский... санаб саноғига етолмайсан, киши.

Аслини олганда, Октябрь инқилобининг нияти яхши, шиорлари эса ундан ҳам гўзал эди. Ҳамма тенг бўлсин, камбағалнинг елкасига офтоб тегсин... Бунинг нимаси ёмон? Агар биз етмиш йиллик ҳаётимиз нуқул зулматдан иборат бўлди, десак ноинсофлик қилган бўламиз. Илм-фан тараққий этди, саноат ривожланди, айниқса, 60--80-йилларда тўкинчилик бўлди... Ҳаммаси тўғри. Аммо шиорларнинг кўпи ёлғон эди. Ҳурлик, тенглик, мустақиллик деган гаплар қалбаки тушунча эканини ҳамма биларди. Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари чинакам мустақилликни хоҳлаганлар эса отиб ташланарди.

Ҳукумат бошида ўтирганлар -- Сталиндан тортиб барча катта-кичик доҳийлар ўз номини абадийлаштириш билан овора эди. Шаҳар ва вилоятлар, завод ва колхозлар, театр ва майдонлар, кўча ва мактабларга «доҳийлар»нинг номини қуйиш камлик қилгандек, ҳамма ерда ҳайкалини ўрнатиш ҳам одат тусига кирган эди.

Бутун мамлакатда, жумладан, Узбекистонда номи «абадийлаштирилган» баъзи «доҳийча»ларнинг амалда ким бўлганини бир кўрайлик.

...Тошкентда Алишер Навоийнинг юбилейи ўтказилаётган кезлар эди. Улуғ адиб Чингиз Айтматов билан бир даврада ўтириб қолдик. Чингиз оға ғалати воқеани ҳикоя қилиб берди. Буни қарангки, Чингиз Айтматов Улуғ Октябрь инқилобининг аллақайси йили тантанасида «улуғ саркарда» Будённий билан ёнма-ён утириб қолибди. Шунда Будённий сўрабди:

-- Сен кимсан?

Қаранг-а! Ўша пайтдаёқ бутун дунё тан олган адибни «инқилоб чавандози» танимаса! (Аслида-ку, бунга ажабланиш -- ўринсиз. Будённий ҳам, Ворошилов ҳам бировлар ёрдамида ёзилган мемуарларида «биз университетларни битирмаганмиз» деб мақтанишган. Саводи оддий дуойи-салом ёзишдан нарига ўтмаган бундай саркардалар китоб ўқишни ўзига ор билган). Майли, гап бунда ҳам эмас. Чингиз Айтматов ўзини таништирганида Будённий мўйловини ғолибона бураб мақтанган:

-- Я там твоих рубал, рубал, рубал!!!

«Инқилоб чавандози» улуғ адибга мен сенинг ота-боболарингни боплаб қиличдан ўтказганман, деб кериляпти!

Каллакесарлик «ҳунари» билан бунчалик фахрланган шоп мўйлов Будённийнинг ўзи ким эди? «Инқилоб чавандози» «рубать» -- «чопиб ўлдириш» деган сўзни шиор қилиб олганини яна бир гувоҳнинг китобини ўқигандан кейин тағин ҳам чуқурроқ англадим. Бу -- Борис Бажановнинг Сталин ҳақидаги хотиралар китоби. Бажанов 20-йилларда Сталиннинг ёрдамчиси, Марказқўм ташкилий бюросининг котиби бўлган. Партия Марказий Қўмитаси Бюроси, мажлислари, пленум ва съездлар протоколи (матни)ни ўз қўли билан ёзиб борган. Яъни халқдан яшириладиган кўп воқеаларнинг қоқ марказида юриб, етти йил давомида мамлакат раҳбар доираларининг талай қабоҳатларига гувоҳ бўлган.

Сталиннинг маккор, иккиюзламачи ва қасоскорлиги ҳақида кўп ёзилган. (Инсоф юзасидан айтганда Сталин шахсиятида қатъийлик, бир сўзлилик, принципиаллик каби фазилатлар ҳам бўлган, дейдилар. Бўлса, бордир). Аммо, масалан, мана бу далилларни билмас эканман.

Ленин вафотидан кейин 1924 йил 21 май куни Марказқўм пленумида Лениннинг машҳур васияти ўқиб эшиттирилади. Биласиз, бу хатда «катта доҳий», «кичик доҳийга» ишончсизлик билдирган. «Чуқур жимлик чўкди, -- деб ёзади Бажанов. -- Сталин дераза томонга қараб ҳўмрайиб ўтирар, юзи ташвишли эди...»

Олдиндан келишиб олинган сценарийга мувофиқ уни Зиновьев билан Каменев ҳимоя қиладилар (Азбаройи «кичик доҳий»ни яхши кўрганлари учун эмас, Троцкийни ёмон кўрганлари учун). Шундай қилиб Сталин Бош котиблик вазифасида қолади ва... бир ярим йилдан кейин ҳар иккала биродарини ишдан ҳайдайди. Бу масалага бағишланган пленумда Зиновьев алам билан сўрайди: «Ўртоқ Сталин миннатдорчилик, садоқат деган нарсани биласизми?». Сталин оғзидан трубкасини олиб, хотиржам жавоб қилади: «Албатта биламан, жуда яхши биламан. Садоқат дегани итларга теккан касал...»

Салтанат учун туққанини аямаслик дарди фақат Сталинда эмас, «сарой» атрофида ўралашганларнинг деярли ҳаммасида бўлган.

Калинин. «Бутуниттифоқ оқсоқоли» Деҳқондан чиққан. Саводи ҳаминқадар.

Инқилобдан кейин «катта оқсоқол»нинг Ўзбекистонга келиши «улуғ, тарихий» воқеа бўлган. Калинин Москвага қайтиб бориб, поезддан тушган заҳоти тўпланган оломонга: «Ўрта Осиёнинг энг яхши ерлари, гуллаган боғлари сизларга!» деб тантанали эълон қилган. Саховатни қаранг! Бунинг эвазига эса Калинин Тошкентда нутқ сўзлаган майдон -- Эскижўва унинг номи билан аталган ва ҳайкали қўйилган. Яқин-яқингача кўзойнак таққан чўққисоқол чол «ҳаммангни бопладимми?» дегандек илжайиб турар эди... 1937 йили Сталин унинг хотинини қамоққа тиққанида, Калинин гиринг демайди.

Молотов. Сталиндан кейинги иккинчи шахс. Дудуқланиб гапиради. Бироқ гоят сергайрат, интизомли. Шу қадар интизомлики, Сталин унинг хотини Жемчужинани умрбод сургун қилганида ҳам доҳийга содиқ қолади. 37-йил қатагонларида «огир» жиноят қилганлар» рўйхатига аввал Сталин, кейин Молотов ва учинчи бўлиб Каганович қўл қўйган. Молотов рўйхатдаги хоҳлаган одамнинг фамилияси ёнига ВМН («Висшая мера наказания» -- яъни «отиб ўлдириш») деган белги қўйиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўз ёстиқдошига шундай деб ёзмаганига ҳам раҳмат!

Каганович. Касби -- этикдўз. Чаласавод. Қатағон йилларида минглаб одамларни қирган.

Яков Свердлов. Анча илмли. Зиёли. Отаси қалбаки ҳужжатлар ясашга устаси фаранг бўлган. Оилада тўрт ўғил, бир қиз бўлишган. Яков билан Сталин оқпошшо сургунида юрганларида тасодифан қўлга тушиб қолган ва у ҳам сургун қилинган -- ўн етти яшар Вера Делевская деган артистка қизни икки ошна баравар севиб қолишади. Гўзал қиз қўпол ва тўпори Сталинни эмас, зиёли Яковни танлайди. Сургундан қайтгач, маълум бўлишича Яковнинг хотини, боласи бор экан. Яков кўп ўйлаб ўтирмай собиқ ўйнашини укаси Вениамин Свердловга олиб бериб қўя қолади (Вениамин «қонунсиз» янгасини чиндан ҳам севиб қолган экан).

Будённий. Саводсиз. Тўқимтабиат. Ўйлайдиган калласидан кўра қилич чопадиган қўли чаққонроқ ишлайди. Кунлардан бирида Москва «инқилоб чавандози»нинг «алоҳида хизматларини» тақдирлаб, унга автомобиль ва партия билетини юборади. Будённий ўз каллакесарларининг бошлиқларини тўплайди. «Кўриб қўйинглар, -- дейди мақтаниб, -- Москвадан менга автомобиль билан манавини юборишибди». Шундай деб партия билетини кўрсатади. Каллакесарлар ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келадилар. «Автомобилни олавер, Семён! Автомобиль -- яхши нарса. Анави қоғоз бўлса, тураверсин. Сендан ош-нон сўрамайди-ку!».

Орадан кўп ўтмай, у отлиқ корпусга қўмондон бўлади. Бирон операция (яъни қирғин) масаласида Бош штабдан Будённийнинг фикрини сўрасалар, доим бир хил жавоб беради. «Униси билан ишим йўқ. Моё дело -- рубать!» Билган касби «рубать» -- калла олиш бўлган кимсани ким деб аташ керак?

...Ҳозирги авлод болаларида бунақа ўйин йўқ. Биз эса «оқми-қизил» деган ўйинни яхши кўрардик. Мен ёғоч «от» миниб, «милтиқ» билан «қуролланардим-да» Будённий «бўлар» эдим. Қоракуядан мўйлов ҳам суриб олардим. «Қилич» билан «босмачилар»ни «қириб ташлар» эдим... Начора, ҳар қишлоқда биттадан Сталин колхози, Будённий мактаби, Свердлов қишлоқ совети, Калинин кинотеатри, Молотов кўчаси, Каганович клуби бўлса, мана шуларнинг ҳаммаси -- доҳий, улар сизларни озод қилди, деб қон-қонимизга сингдириб юборишган бўлса, бизда нима гуноҳ?

Етмиш йил давомида биз кимларга сиғиниб яшадик? Кимларнинг номини абадийлаштирдик?! Мана шу ҳақиқатларни билгандан кейин ҳам Истиқлолни авайламаслик, гумроҳлик бўлмайдими?

Дарвоқе, Ўрта Осиёга алоҳида «хизмати» сингган, бутун бошли республика -- Қирғизистон пойтахти «муборак» номи билан атаб келинган яна бир «даҳо» бор эди. Эсингизда бўлса, яқин-яқинларгача ҳам Тошкентдаги энг сўлим жойлардан бирида -- Низомий номидаги институт рўпарасида маҳобатли ҳайкал бўларди. Гижинглаган от миниб, қилич таққан Фрунзе ҳайкали... Ўқимишли, эсли-хушли, шарқ халқлари тилини яхши билган лашкарбоши ҳайкали. Бухоро амири зулмидан халқни озод қилган лашкарбоши... Дуруст, бу «чавандоз» халқни амир зулмидан қутқарибди. Фақат Аркка бомба ташлагани ҳақида негадир тарих китобларида бир огиз жумла йўқ. Дуруст, Фрунзе амирни ёмон кўрибди. Аммо, Минораи Калон унга нима ёмонлик қилган эканки, замбаракдан ўққа тутади? Ахир Минораи-Калон халқ даҳоси билан яратилган ва асрлар бўйи қад кериб турган тарихий обида эди-ку!. Буни қарангки, замбарак Минораи-Калонни қулата олмаган. Фақат ўша ўқ изи покиза чеҳрага ёпишган доғдек ҳамон оқариб турибди.

Эслаб кўринг, яқин-яқинларгача кўҳна Бухоронинг Минораи Калонга туташ кўчаси Фрунзе номи билан аталар, Лабиховуз яқинида эса Фрунзе ҳайкали бор эди. Тасаввур қилинг, Москвадаги Қизил майдоннинг Спасская Башнясига аллақандай осиёлик, дейлик, Аҳмадбой ёки Тошматполвон тўпга тутиб, шикаст етказса-да, эвазига ўша майдонга туташ кўча Аҳмад, Тошмат номи билан аталса... Бу ҳам етмагандек уларга ҳайкал қўйилса... Бундан ортиқ адолатсизлик бўлармиди? «Отангни ўлдирганга онангни бер», дегани эмасми бу?

Бу гапларни айтишдан мурод бирон қўшни давлатга ёки худо асрасин, кўп йиллар қадрдон бўлиб яшаган, оғир-енгил кунларда бир-бирига меҳр кўргазган бирон қардош халққа иддао қилиш эмас. Аксинча, юртимизда ўнларча миллат вакилларининг ака-ука, опа-сингил бўлиб яшаётгани, тинчлик ва осойишталик барқарорлиги Мустақил республикамизнинг энг катта бойлиги, юртбошимиз олиб бораётган ниҳоятда оқлли сиёсатнинг меваси деб қарамоқ керак.

Айни пайтда юртимизда шу тупроқни босиб олганлар, кўп йиллар давомида империячилик сиёсатини ўтказганлар эмас, айнан уни ҳимоя қилганлар, шу эл равнақи учун ҳисса қўшган улуғ сиймоларнинг номи абадийлаштирилиши адолатли ва тарихий заруратдир. Эрта-индин XXI асрга кириб борамиз. Келгуси аср авлодлари ўзининг улуг бобокалонларини қанчалик яхши билса, истиқлол ғояларига шунчалик содиқ бўладилар!..

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ● ЎЗБЕКБИРЛАШУВ ● ЎЗБЕКСАВДО

# 1994 йилги "СОВҒА" лотереясини чиқарди




## "СОВҒА" лотереяси - бу Сизнинг орзуингиз! Бунақаси ҳали бўлмаган.





"СОВҒА" пул-буюм лотереясидан автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель комплектлари, гиламлар ҳамда бошқа халқ истеъмоли молларини ютиш имконияти бор.

ЎЗИНГИЗ ЎЙЛАБ КЎРИНГ: ЧИҚАРИЛГАН ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯНИНГ УМУМИЙ СУММАСИНИ 70 ФОЙИЗИНИ ЮТУҚЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.

СОВҒА лотерея билетлари Ўзбекистон Жамғарма банкининг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида, жамоатчи билет тарқатувчилар орқали сотила бошланди.

Сиз Ўзбекистон Жамғарма банкининг барча муассасалари, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари орқали бу ҳақда янада батафсил маълумот олишингиз мумкин.

## "СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ - ОИЛАНГИЗ УЧУН СОВҒАДИР!

Билетнинг баҳоси - 10 сўм.

Шошилинг! Ютуқлар тиражи 1994 йил 28-29 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади.



ЛОТЕРЕЯ ЎЙИНИДА ҚАТНАШИБ, ЮТИНГ!
СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95.


**ҚУТЛОВ**

*Муҳтарам волидамиз Тожиниса ая!*

*Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан қутлаб Оллоҳдан Сизга узоқ умр ва жамики яхши ниятларни тилаб*

**фарзандларингиз номидан Нажмиддин. Зангиота тумани.**

---

1985 йил ТошДУ томонидан ҚУРБОНАЛИЕВ Л. номига берилган №098439 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

*Ҳамза туманидаги «ҚАЛДИРҒОЧ» кичик корхонаси*

**ТУГАТИЛАДИ**

*Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.*

**Тел.: 90–91–93**

